

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДА БАРҚАРОР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ МУҲИТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ СИЁСАТИДА АФҒОНИСТОН ОМИЛИ

НАЗИРОВ МУХТОР

Тадқиқотчи, ТошДШИ

Аннотация. Мазкур мақолада Марказий Осиёдаги ижтимоий-сиёсий муҳитнинг барқарорлигини таъминлаш ҳамда минтақавий тараққиёт салоҳиятини янги даражага кўтариш жараёнида Афғонистон омили, бу борадаги Ўзбекистоннинг халқаро ташаббуслари таҳлил қилинади. Шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришини бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларининг изчил ривожланиши очиб берилди.

Таянч сўз ва иборалар: Марказий Осиё, Ўзбекистон, Афғонистон, хавфсизлик, тараққиёт, барқарорлик, яхши қўшничилик, Қобул жараёни.

Аннотация. В данной статье анализируются факторы Афганистана в процессах обеспечения стабильности общественно-политической среды в Центральной Азии и повышения потенциала регионального развития; международные инициативы Узбекистана в этой области. Также, раскрыто последовательное развитие добрососедских отношений между Узбекистаном и Афганистаном на основе Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах.

Опорные слова и выражения: Центральная Азия, Узбекистан, Афганистан, безопасность, развитие, стабильность, добрососедство, Кабульский процесс.

Abstract. This article analyzes the factor of Afghanistan in the processes of ensuring stability of the socio-political environment in Central Asia and increasing the potential of regional development to a new level, international initiatives of Uzbekistan in this field. Also, a consistent development of good-neighborhood relations between Uzbekistan and Afghanistan is revealed on the basis of the Strategy of Action for the five priority development directions of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021.

Keywords and expressions: Central Asia, Uzbekistan, Afghanistan, security, development, stability, good-neighborhood, the Kabul process.

Истиқлол йилларида Марказий Осиё минтақасида хавфсизликни таъминлаш ва унинг барқарорлигига бўлган ҳар қандай кўринишдаги таҳдидларга қарши қатъий кураш олиб бориш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бирига айланди.

Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорлик жараёнлари мураккаб тузилишга эга бўлиб, у миллий, минтақавий ва глобал даражалардаги жиддий таҳдидлар ва янги тараққиёт имкониятлари кўринишида ривожланмоқда. Авва-

ло, бу наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши, ноқонуний қуроли савдоси ва халқаро уюшган жиноятчилик, халқаро терроризм, экстремизм каби хавф-хатарлар кўламини ортиб бораётганида намоён бўлмоқда.

Мазкур хавф-хатарлар бутунги кунда бевоқиф Афғонистондаги нотинч вазият билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Ушбу кескинлик илдизи тарихан совет қўшини контингентини олиб чиқиб кетилиши, “Толибон” ҳаракатининг пайдо бўлиши ва ҳокимиятни эгаллаши, 2001 йил-



да АҚШ шаҳарларида амалга оширилган террорчилик ҳаракатларидан сўнг бошланган.

Замонавий афғон жамиятида бу ҳолат бир томондан етарли даражада ўз ҳайрихоҳларига ва кучли позицияга эга бўлган “Толибон” гуруҳининг ҳарбий фаоллашуви ва унинг қонуний сайланган марказий ҳокимият вакиллари билан самарали мулоқоти етишмаслиги фонида юзага келган мураккаб ҳарбий-сиёсий вазият билан, иккинчи томондан ушбу мамлакатда турли террорчилик гуруҳлари ўрнашиб олиши имкониятининг ортгани, наркотик моддалар ишлаб чиқариш ва наркотрафик ҳажми ўсишда давом этаётгани билан характерланмоқда.

Афғонистон аҳолисининг аксарияти оғир ижтимоий аҳволда қолаётгани, мамлакат иқтисодий инфратузилмасини тиклаш бўйича халқаро ҳамжамият саъи-ҳаракатларининг самарадорлиги етарлича бўлмагани оддий халқ томонидан наркотик моддаларни кенг қўламда етиштирилиши ва ишлаб чиқарилишига сабаб бўлмоқда. Ўз навбатида, бу ҳолат нафақат халқаро терроризмга молиявий дастак бўлиб, Афғонистондаги вазиятни издан чиқарадиган жиддий омилга айланиши мумкин, балки унга туташ бўлган Марказий Осиё минтақасида барқарор ижтимоий-сиёсий муҳит шаклланишига катта таъсир этиши мумкин.

Шу нуктаи назардан қараганда, Марказий Осиё минтақасининг барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётини Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришилган тақдирдагина кафолатли таъминлаш мумкинлиги ҳозирда янада ойдинлашиб бормоқда.

Маълумки, Ўзбекистон мустақилликнинг илк давлариданоқ кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар доирасида Афғонистонда тинчлик ҳарбий воситалар орқали ўрнатилиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги ғояни илгари суриб, уруш ва можаролардан толиққан ушбу мамлакатнинг изчил қайта тикланиши тарафдори бўлиб келмоқда.

1993 йилдаёқ Биринчи Президентимиз И.А.Каримов Бирлашган миллатлар ташкилоти Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида афғон муаммосини ҳал қилишда жаҳон ҳамжамиятининг саъи-ҳаракатларини бирлаштиришга

даъват этган эди¹. Бундан ташқари, Ўзбекистон томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 1995 йилдаги 50-сессиясида, 1996 йилдаги Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар бошлиқлари учрашувида, БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йилдаги “Минг йиллик саммити”да, 2010 йилдаги 65-сессиясида бу муаммони ҳал этишнинг муқобил тинч йўллари топиш масаласи кўтарилган эди².

Ўзбекистоннинг халқаро ташаббусларида Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш йўллари аввало, қуролли ҳаракатларнинг тўхтатишдан, жаҳон ҳамжамияти кўмагида ижтимоий йўналтирилган лойиҳаларнинг амалга оширилишидан, энг ўтқир ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ҳал этилишидан излаш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди. Бу эса албатта Афғонистонни барқарорлаштириш ва тикланишидан манфаатдор бўлган барча кучлар саъи-ҳаракатларини мувофиқлаштириш ҳамда мамлакат ичида консенсусга эришилишини тақозо қилди.

1995 йилда Ўзбекистон саъи-ҳаракатлари билан Тошкентда Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик муаммоларига бағишланган халқаро семинар³, 1999 йилда БМТ шафелигидаги Афғонистон бўйича “6+2” мулоқот гуруҳининг⁴ Тошкент учрашувида илк бор Аф-

¹ Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. - Т.: Ўзбекистон, 1996. - Т. 2. - Б. 52-53.

² Каримов И.А. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар бошлиқлари учрашувида // Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. - Т. 5. - Т.: Ўзбекистон, 1997. - 384 б.; Каримов И.А. БМТ Бош Ассамблеясида сўзланган нутқ // Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. - Т. 9. - Т.: Ўзбекистон, 2001. - 432 б.; Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. - Т. 19. - Т.: Ўзбекистон, 2011. - Б. 10-12.

³ Қаранг. Каримов И.А. Минтақада хавфсизлик ва ҳамкорлик учун // Бунёдкорлик йўлидан. - Т. 4. - Т.: Ўзбекистон, 1996. - 349 б.

⁴ “6+2” мулоқот гуруҳи БМТ шафелигида Афғонистондаги барча ички кучларнинг тинчлик ва барқарорлик йўлидаги ўзаро мулоқотини ташкил этиш бўйича Ўзбекистон ташаббуси. Шунингдек, ушбу мулоқот гуруҳи фаолиятида Афғонистон билан қўшни бўлган давлатлар (Эрон, Хитой, Покистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон), АҚШ ва Россия иштирок этган. - *Муаллиф изоҳи.*

ғонистондаги икки низолашувчи томонлар бир стол атрофида йиғилиб, фикр алмашдилар.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, “6+2” мулоқот гуруҳи 1997-2001 йилларда Афғонистондаги вазиятни тинч музокаралар йўли билан ҳал қилиш бўйича фаолият юритган ягона халқаро механизм бўлди. 1999 йилда ушбу гуруҳга аъзо давлатлар томонидан қабул қилинган “Афғонистондаги зиддиятни тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий тамойиллари тўғрисида”ги Тошкент декларацияси асосий қарама-қарши томонлар ўртасидаги музокаралар учун реал замин бўлиб хизмат қилди, БМТ Бош Ассамблеяси 54-сессияси ҳамда Хавфсизлик Кенгашининг расмий ҳужжатида айланди¹.

2001 йил 11 сентябрда Нью-Йорк шаҳрида амалга оширилган йирик террорчилик хуружидан сўнг Афғонистонда АҚШ бошчилигидаги халқаро коалиция кучлари томонидан бошланиб, узоқ муддат давомида олиб борилган аксилтеррор ҳарбий амалиётлари кўзланган якуний мақсадга олиб келмади, яъни жафокаш афғон заминида тинчлик тўлалича қарор топмади.

Бу эса Афғонистонда низолашаётган ички кучлар ўртасида тинчлик йўлидаги конструктив мулоқотлар зарурлигини яна бир бор намоён қилди.

2008 йил апрель ойида Бухарест шаҳрида бўлиб ўтган Афғонистондаги мураккаб вазиятни ҳал этиш бўйича НАТО / Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши саммитида Ўзбекистон томонидан афғон муаммосини фақат ҳарбий йўл билан ҳал этиш имконсизлиги, муқобил, сиёсий йўли сифатида “6+2” мулоқот гуруҳи фаолиятини, гуруҳга НАТО ваколатли вакиллари қўшган ҳолда, “6+3” гуруҳи форматида қайта йўлга қўйиш таклифи илгари сурилди².

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Афғонистон бўйича “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусида ўтказилган халқаро конференциядаги нутқи. // “Халқ сўзи” газетаси, 2018 йил 28 март. №59-60 (7017-7018).

² Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодий-сиёсий барқарор ривожлантириш йўлида. - Т. 16. - Т.: Ўзбекистон, 2008. – Б. 313-317.

Мазкур ташаббус дунё сиёсий жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди. Дунёдаги кўплаб давлатлар афғон муаммосини фақат ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмаслигини ҳар томонлама англаб, амалий ҳулосаларга келмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Афғонистон халқи, қайси миллат ва элатга мансублиги, қараш ва мафқурасидан қатъий назар, ўзаро ички муроСага келишига БМТ раҳнамолигида иқтисодий-молиявий, ижтимоий-гуманитар ёрдам кўрсатилиши самара бериши мумкин. Бу жараёнда уларнинг анъанавий, маданий ва диний қадриятларига ҳурматда бўлиш ўта муҳим аҳамияти эгадир.

Маълумки, барча давлатлар, биринчи навбатда, кўшни мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш мамлакатимиз ташқи сиёсатининг бош мақсади сифатида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ўз ифодасини топган. Чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат юритиш, Марказий Осиё минтақасини барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши қўшничилик ҳудудига айлантириш каби масалалар устувор йўналишлар этиб белгиланди³.

Ўтган қисқа вақт ичида ушбу йўналишларда тарихий қадамлар қўйилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси, қатъий сиёсий иродаси ва саъй-ҳаракатлари туфайли ва сиёсий иродаси туфайли Марказий Осиё минтақасида ўзаро ишонч даражаси сезиларли ошишига эришилди. Зеро, Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Биз аввало туб негизида “Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак” деган ғоя мужассам бўлган Ўзбекистоннинг тинчлик ва хавфсизлигини мустаҳкамлашга қаратилган сиёсий йўлни давом эттирамиз”⁴.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 8 февраль.

⁴ Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қураамиз. - Т.: 2017. – Б. 19.

Ўзбекистон Республикасининг тинчлик-парвар ташқи сиёсий фаолият стратегиясида кўшни мамлакат бўлмиш Афғонистоннинг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир. Ўзбекистон 2017 йилда Афғонистон муаммосини хал этиш бўйича ўтказилган турли форматдаги халқаро ва минтақавий анжуманларда, жумладан, кенгайтирилган таркибдаги Москва учрашуви (апрель), “Қобул жараёни” (июнь), Афғонистон Ислом Республикасига оид минтақавий иқтисодий ҳамкорлик конференцияси (Ашхобод, ноябрь), “Осиё юраги – Истанбул жараёни” (Боку, ноябрь-декабрь) ва Халқаро мулоқот гуруҳи йиғилишида (Осло, декабрь) юқори даражада қатнашди¹.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 2017 йил 19 сентябрдаги 72-сессиясида, 2017 йил 10-11 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида БМТ шафелигида ўтган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги йирик халқаро конференцияда, 2018 йил 26-27 март кунлари ўтказилган “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусидаги Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференциясида сўзлаган нутқларида Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, ушбу мамлакатни Марказий Осиё ҳудудидаги тинчлик ва яхши қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаш жараёнларига қўшилиши йўлидаги таклифлар илгари сурилди.

Хусусан, 2018 йил 26-27 март кунлари ўтказилган Тошкент халқаро конференцияси афғон муаммоси бўйича тўғридан-тўғри мулоқот қилиш майдонини яратиш, бу борадаги давомли жараёни бошлаб берди².

Шу ўринда мазкур конференциядаги нутқда Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Ўзбекис-

тон Афғонистон ҳукумати билан “Толибон” ҳаракатининг “олдидан шарт қўймаслик ва куч ишлатиш билан таҳдид қилмаслик” асосида тўғридан-тўғри музокаралар ўтказишни бошлаши тарафдори эканини, Ўзбекистон ўз ҳудудида тинчлик жараёнларининг исталган босқичда бундай музокараларни ташкил этиш учун барча шароитларни яратиш беришга тайёрлигини қайд этди.

Ўзбекистон раҳбари таъкидланидек, “... тинчлик сари ҳаракатнинг энг асосий шarti, бизнингча, аввало минтақа ва глобал даражада келишилган, Афғонистон учун ягона кенг қамровли тинчлик дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборатдир”³.

Дарҳақиқат, Афғонистонда низолашаётган барча ички қучлар ўртасида олдиндан белгиланган шартлар ва талабларсиз, турли даражадаги босимларсиз мунтазам равишда ўтказилган ўзаро мулоқотларда томонлар бир-бирларини тинглайдилар, бу орқали эса вазиятни ҳар томонлама чуқур англаш ва консенсус элементларини топиш имконияти пайдо бўлади. Зеро, бундай мулоқотлар жафокаш афғон заминида томонларни яраштириш, ички низоларни бартараф этиш, тинчлик ва барқарорликка эришиш учун бошланғич нукта вазифасини бажариши мумкин.

Фикримизча, Тошкент конферециясининг асосий ғояларидан яна бири шундан иборат бўлдики, Марказий Осиё давлатлари дунёнинг бошқа манфаатдор мамлакатлари билан биргаликда Афғонистондаги тинчлик ва барқарорликни тиклаш ва бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этиши – бу даврнинг талабидир.

Бу борада Президентимиз таъкидлаганидек, “Афғонистон хавфсизлиги – бу Ўзбекистон хавфсизлиги, бутун бепоён Марказий ва Жанубий Осиё минтақаси барқарорлиги ҳамда тараққиётнинг гаровидир”⁴.

¹ Афғонистон бўйича Тошкент декларацияси қабул қилинди. <http://uza.uz/oz/politics/af-oniston-b-yicha-toshkent-khal-aro-konferentsiyasi-deklara-27-03-2018>

² Абдуллазиз Комилов: Афғонистондаги мураккаб вазиятга ечим топиш бўйича оз бўлса-да умид бор. 27.03.2018. <http://uza.uz/oz/politics/abdullaziz-komilov-af-onistondagi-murakkab-vaziyatga-echim-t-27-03-2018>

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Афғонистон бўйича “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусида ўтказилган халқаро конференциядаги нутқи. // “Халқ сўзи” газетаси, 28.03.2018. №59-60 (7017-7018).

⁴ Ўша манбада.

Таъкидлаш жоизки, Афғонистонда ўрнатилган барқарор мувозанат чегарадош мамлакатларга ҳам ўз ижобий таъсирини ўтказди. Шу нуқтаи назардан, Афғонистонни нотинчлик ва кескинлик майдони сифатида эмас, балки минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштириш йўлида имкониятлари ҳали тўлиқ рўёбга чиқмаган мамлакат сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Афғонистонни тиклаш бўйича саъи-ҳаракатларда гуманитар соҳа ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Бугунги кунда аҳолисининг 71 фоизини 30 ёшгача бўлган кишилар ташкил этадиган Афғонистонда¹ қарийб 40 йилдан буён давом этиб келаётган жангу жадалларини бошдан кечирган жуда катта авлод вояга етди. Айрим мутахассислар бу омил Афғонистонда барқарорликка эришишда энг катта тўсиқлардан бири бўлишини таъкидлашмоқда.

Бошқа томондан, аксинча афғон халқининг мана шу қисми урушдан чарчаган ва уларда тинчлик ва ижтимоий фаровонлик учун рағбат кучлидир. Шу жиҳатдан қараганда, афғон халқининг аксарият қисмини ўз юртидаги бунёдкорлик ишларининг етакчи кучи ва таянчига айланиши мумкин. Бунинг учун ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини, маърифатини ёш ва ўрта авлодга етказиш, “жаҳолатга қарши маърифат” тамойили асосида улар учун замонавий таълим имкониятларини очиш ёрдам бериши мумкин.

Шу нуқтаи назардан Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг Афғонистонда таълимни кўллаб-қувватлаш бўйича махсус халқаро фонд ташкил этиш ташаббуси долзарб аҳамиятга эгадир. Сабаби, фикримизча, афғон жамиятига “келажак авлодга бундай нотинч юртни мерос қолдирмаслик” ғояларини кенг миқёсда фақат маърифат йўли билан тарғиб қилиш мумкин, бу эса афғон жамоатчилиги орасида миллий бирлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик руҳи юксалишига хизмат қилади.

¹ Ашраф Ғани: Афғонистон Марказий Осиёнинг бир қисмига айланди. 27.03.2018 <https://kun.uz/news/2018/03/27/asraf-gani-afgoniston-markazij-osiening-bir-kismiga-ajlandi>

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг Афғонистон билан кўп қиррали икки томонлама муносабатлари янада фаоллашмоқда. Республикамиз қўшни мамлакатда тез фурсатда тинчлик, барқарорлик ўрнатилишига, унинг иқтисодий, транспорт ва энергетика инфратузилмаси тикланиши ва ривожланишига, касбий таълим соҳасига кўмаклашиб келмоқда. Масалан, Ўзбекистон бу мамлакатга етказиб бераётган электр энергияси миқдори йилдан-йилга ошиб бормоқда, мамлакатимиз томонидан 75 километрлик “Термиз – Ҳайратон – Мозори Шариф” темир йўлини куриб битказилди.

Икки давлат муносабатларида 2017 йил 4-6 декабрь кунлари Афғонистон Президенти Ашраф Ғани томонидан Ўзбекистонга амалга оширилган расмий ташриф янги саҳифа очди. Ташриф якунига кўра имзоланган 20 дан ортиқ ҳужжатларнинг аксарияти нафақат Афғонистон ва Ўзбекистон, балки бутун минтақа учун стратегик аҳамият касб этади.

Шулар қаторида, Ўзбекистон мутахассислари томонидан “Мозори Шариф – Ҳирот” темир йўли ҳамда янги “Сурхон – Пули Хумри” электр узатиш линиясини куриш юзасидан эришилган келишувлар алоҳида эътиборга моликдир. Масалан, “Мозори Шариф – Ҳирот” темир йўли Марказий ҳамда Жанубий Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатлари ўртасида минтақавий савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожланишида Афғонистоннинг транзит имкониятини оширади ва уни ўзига хос кўприк вазифасини ўтайдиган мамлакатга айлантиради. “Сурхон – Пули Хумри” электр узатиш линияси эса мамлакат пойтахти Қобул ва шимолий вилоятларнинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини таъминланишида, афғон халқи турмуши яхшиланиши ва тинч тараққиёт йўлига қайтишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Жорий йилда ижтимоий ва гуманитар соҳадаги алоқаларда ҳам ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистоннинг Афғонистонга дўстона муносабати, келгусида ҳам афғон халқига кўмаклашишга тайёр экани рамзи сифатида Термиз шаҳрида жорий йилдан

бошлаб Афғонистон фуқаролари учун махсус таълим маркази фаолияти йўлга қўйилди¹. Шунингдек, январь ойида Хайратон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан 25 автобус, 3 трактор ва тиркама техника Афғонистон халқига ҳадя қилинди².

Умуман олганда, Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатишдан аввало унга қўшни бўлган давлатлар манфаатдордир. Шу ўринда Марказий Осиёнинг “юрагида” жойлашган Ўзбекистон минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш бўйича ўз масъулияти ҳис этган ҳолда “Қўшнинг тинч – сен тинч” принципи асосида олиб бораётган саъй-ҳаракатлари муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни ўрнатишга бўйича ташқи сиёсати икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда яқин қўшничилик ва қардошлик руҳини кучайтириш, уни фаол савдо-иқтисодий алоқалар, транспорт, инфратузилма ва гуманитар соҳаларидаги йирик лойиҳаларни изчил амалга ошириш орқали янада мустаҳкамлаш, Афғонистоннинг минтақадаги интеграция жараёнларида иштирок этишига ёрдам бериш йўналишларида олиб борилаётганини қайд этиш мумкин.

Хулоса қилганда, Ўзбекистон саъй-ҳаракатлари билан Марказий Осиё минтақасида шаклланиб бораётган ўзаро ҳурмат, дўстлик ва яқин қўшничилик руҳидаги давлатлараро шериклик тенденцияси минтақанинг барқарорлиги ва тараққиётини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Айтиш мумкин Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга ёрдам беришига, истиқболда уни Марказий Осиёнинг нафақат тарихий-цивилизациявий, балки ҳар томонлама узвий қисмига айланишига ишончимиз комилдир.



¹ Хуш келибсиз, афғонистонлик дўстлар! 21.01.2018. <http://uza.uz/oz/society/khush-kelibsiz-af-onistonlik-dstlar-21-01-2018>

² Ўзбекистон Президенти номидан Афғонистон халқига 25 автобус, 3 трактор ва тиркама техника топширилди. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-prezidenti-nomidan-af-oniston-khal-iga-11-01-2018>